

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№1- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

26 август 2018 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат стоматология институтининг янги 2018-2019 ўқув йилида институт жамоаси олдида турган вазифалар ҳақида

Маърузачи: Ректор, профессор Ж.А.Ризаев

2. Кафедраларнинг янги 2018-2019 ўқув йилига тайёргарлик ҳолати ҳақида ахборот
Ахборотчи: Факультет деканлари (доц.Шомуродов Қ.Э, Хайдаров Н.К. проф.Жўраев А.Ж.)

3. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш

4. Турли масалалар

Институт Кенгаш раиси проф.Ж.А.Ризаев номига келиб тушган билдиришномага кўра куйидаги қарор қабул қилинди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-5216-сон Фармони ижроси таъминлаш мақсадида ҳамда 2018-2019 ўқув йилидаги клиник ординаторлар сони кўплиги ва жарроҳ стоматолог, дентал имплантолог мутахассислиги бўйича талаб орگانлиги сабабли Малака ошириш факультетида “**Хирургик стоматология йўналишидаги малака ошириш кафедре**”си ташкил этилсин.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган биринчи масала: Институт Ректори, профессор Ж.А.Ризаевнинг

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори сўзсиз ижро учун қабул қилинсин ва қарор бандларининг ижроси тўлиқ таъминлансин;

Масъул – ТДСИ жамоаси

Муддат – доимо

2. Факультетларда ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари таҳлил этилиб яхшилаш учун чора-тадбирлари ишлаб чиқилсин.

Масъул – ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор

Муддат – 1 ой

3. Ўқув адабиётларини чоп этилиши бўйича таклифлар берилсин.

Масъул – ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор

Муддат – 1 ой

4. Институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар томонидан хорижга малака ошириш ва стажировкага бориб келганларидан сўнг, мастер-класс ва маърузалар ўтказиш ташкил этилсин.

Масъул – илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор,

халқаро-алоқалар бўлими

Муддат – 1 ой

5. Ўқув жараёнини сифатини ошириш мақсадида аудиториялар замонавий компьютер техникалари, интернет тармоғи ва мебель жиҳозлари билан таъминлансин.

Масъул –молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор

Муддат – 15 кун

6.Талабаларни кутубхонадан фойдаланиш шароитини янада яхшилиш мақсадида, профессор-ўқитувчилар томонидан чиқарилаётган янги китобларни электрон базаси ташкил этилсин.

Масъул –Ахборот-ресурс маркази директори

Муддат – доимий

7. Талабаларни таълим олиш жараёнларини янада яхшилаш, инглиз тилида дарс олиб боришни ташкил этиш мақсадида инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш бўйича таклифлар берилсин.

Масъул – ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор

Муддат – 1 ой

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров зиммасига юклатилсин.

**Институт кенгаш раиси,
профессор**



Ж.А.Ризаев